

**МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТОРТИНЧОҚЛИКНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Низомий номидаги ТДПУ нинг**

**“Умумий психология” кафедрасининг психология**

**бўйича фалсафа фанлари доктори PhD**

**И.Ғ.Рахимова,**

**Аннотация**

Кичик мактаб ёш даври инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, бу даврдаги болаларда ўзига хос бўлган, ишонувчанлик, очиқлик, ташки таъсирларга берилувчанлик, ўз-ўзига паст баҳо бериш, хавотирланиш соддалик хислатлари шаклланиб бориб, шу билан бирга уларда тортинчоқлик ҳисси ҳам намоён бўла бошлайди. Мақолада кичик мактаб ёшидаги болаларда учрайдиган тортинчоқлик хусусияти, келиб чиқиши омиллари, уларнинг кўринишлари ҳамда ижобий томонларини ҳам кўриш мумкин.

**Калит сўзлар:** кичик мактаб ёши, тортинчоқлик ҳисси, ўзига нисбатан ишончсизлик, тортинчоқликнинг ташки аломатлари, тартиб интизомли, эҳтиёткор, шубҳали, саранжом.

**Аннотация**

Ранний школьный возраст имеет большое значение в жизни человека, когда у детей этого периода развиваются качества уверенности, открытости, чувствительности к внешним воздействиям, заниженная самооценка, простота тревожности, а также чувство застенчивости. В статье также рассмотрены характеристики застенчивости у детей младшего школьного возраста, факторы ее происхождения, внешний вид и положительные стороны.

**Ключевые слова:** младший школьный возраст, чувство застенчивости, неуверенность в себе, внешние признаки застенчивости, порядочный, осторожный, скептический, порядочный.

**Annotation**

Early school age is of great importance in human life, when children of this period develop the qualities of confidence, openness, sensitivity to external influences, low self-esteem, simplicity of anxiety, as well as a feeling of shyness. The article also discusses the characteristics of shyness in children of primary school age, the factors of its origin, appearance and positive aspects.

**Key words:** primary school age, feeling of shyness, self-doubt, external signs of shyness, decent, cautious, skeptical, decent.

Маълумки психология соҳасида инсон шахсининг психик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб тадқиқот жараёндир. Айнан кичик мактаб ёш даври инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, бу даврдаги болаларда ўзига хос бўлган, ишонувчанлик, очиқлик, ташқи таъсирларга беришувчанлик, ўз-ўзига паст баҳо бериш, хавотирланиш соддалик хислатлари шаклланиб бориб, шу билан бирга уларда тортинчоқлик ҳисси ҳам намоён бўла бошлайди.

Болаларда намоён бўлаётган юқоридаги салбий ҳиссиётлар билан биргаликда, ҳозирги кунда жамиятда кам ўрганилган ва шу билан бирга, жамоада, айниқса болалар орасида анча кенг тарқалган тортинчоқлик ҳисси ҳам бола шахси ривожланишида глобал муаммо ҳисобланади.

«Тортинчоқлик» – бу тушунча бугунги кунда ҳар бир инсонда турлича ва ҳар хил кўринишларда намоён бўлганидек, бу сўзниг мазмун - моҳиятини ҳам ҳамма ҳар хил қабул қиласи. Дунё илм фан соҳалари кўрсатишича, тортинчоқлик муаммоси ҳозирги кунда кам ўрганилган реал психологик ҳодиса ҳисобланади.

Америкалик психолог, Стенфорд университетининг профессори Филип Зимбардо бу тушунчага ўзининг изланишлари оқибатида илк бор ўз фикр ва қарашларини билдиради. У торгинчоқликнинг инсонлар орасидаги ролини аниқлашда, ижтимоий - психологик изланишлар ўтказган бўлиб, унинг фикрича торгинчоқлиқнинг энг содда мазмуни бу - инсонлар олдида намоён бўладиган қўрқув ҳолатидир. Кўпчилик олимлар торгинчоқлик ҳисси тўғрисида ўз фикрларини билдиришган:

С. Жонсон инглиз тили луғатида (1804) торгинчоқликни учта сўз билан ифодалаган, «одамови», «эҳтиёткор», «шубҳали». Инглиз тилида «Shy» торгинчоқ сўзи дастлаб «осон қўрқитувчи» маъносини англатган. Ҳозирда торгинчоқ сўзи, одамлар орасида асабий (безовта), ўзига етарлича ишончи бўлмаган инсон, илгари омадсиз тажрибага эга бўлган ва келажакка нисбатан эҳтиёткор бўлиб қолган, йиғилишлар ва одамлар билан мулоқот чоғида асабийлашиб ва ноқулайликни ҳис этувчи, бирон-бир ҳаракатни амалга оширишдан чўчийдиган инсонлар сифатида келтирилади.

Торгинчоқликка берилган таърифни К. К. Платоновда ҳам кўришимиз мумкин. «Торгинчоқлик - бу бошдан ўтказиш оғир бўлган, мулоқот қилишга ҳалал берувчи психологик тўсиқдир, ўзининг мукаммал инсон эмас эканлиги тўғрисидаги хаёллари ҳамда мулоқот объектларининг салбий муносабатлари

тўғрисидаги хаёлларга сабаб бўлувчи, ёрқин кўринишда изоҳланувчи ҳиссий ҳолатдир». Тортинчоқлик коммуникатив қобилияtlарни тезда пасайтиради, мулоқот қилишни қийинлаштиради ва унинг қобигини торайтиради.<sup>1</sup>

П. Пилконис ва Ф. Зимбардолар тортинчоқликни, ижтимоий вазиятлардан ўзини тортишга уриниш, ноформал муомалада иштирок этиш қобилиятининг йўқлиги, шахслараро ўзаро мулоқот жараёнида хавотир ва босимга мойилликни ҳис қилишда намоён бўлувчи, ижтимоий таъсиrlарга нисбатан ёдланган жавоб реакцияси деб ҳисоблади. Улар тортинчоқликни «инсонларнинг, шахсий хулқ-атвори, атрофдагилар томонидан салбий баҳоланади деб тушунишидан келиб чиқувчи, ижтимоий ташвишдан чўчиши» сифатида белгилайдилар.

Бундан ташқари, П. Пилконис кўшимча ўрнида, тортин-чоқликни, ижобий томонларининг сони кам бўлган ижтимоий хавотирланиш шакли сифатида тушуниш мумкин, дейди.

Тортинчоқлик нафақат катта ёшдаги инсонлар балки, ўсиб келаётган ёш болалар орасида кўплаб учратиш мумкин. Чунки тортинчоқликнинг бошланғич негизи айнан болаларда кўп ва тез намоён бўлади. Биринчи ўринда, болаларда тортинчоқликни келиб чиқиши ва ривожланиш томонларини кўриб чиқиш керак.

Мактаб бола ҳаётида бурилиш даври ҳисобланади ва у янги ҳаёт фаолиятига, янги муҳит шароитига кириб келади. Катталар ва тенгдошлар билан янги муносабатлар ўрнатиш, уларнинг орасида бўлиш, бола бутун бир янги жамоалар тизимига қўшилиб боради. Бу даврдан бошлаб бола фаолиятининг мазмuni ҳам, теварак атрофдаги нарсаларга муносабати ҳам ўзгаради.

Айнан мана шу кичик мактаб ёшидаги болаларда, ички руҳий кечинмаларида ўзгаришлар ҳам содир бўлади. Кўпчилик болаларда мавжуд бўлган ҳаяжонланиш, хавотирланиш, ўзига ишонмаслик, кўркув, мулоқотга кириша олмаслик, ўзини четга тортиш, мактаб муҳитига мослаша олмаслик ҳолатлари кўпроқ кичик мактаб ёшидаги болаларда учрайди. Болада содир бўлаётган, бу ҳиссий ҳолатларни бир сўз билан айтганда тортинчоқлик деб атаемиз.

---

1. Ф. Зимбардо “Застенчивость” Пер.с. англ.- М : Педагогика 1991 й

Кичик мактаб ёшидаги тортинчоқ болалар ўзларини ёқимсиз, нозик табиат, тортинчоқ бўлмаган болалардан ақли пастроқ деб ҳисоблашади. Бу ўзини улардан паст даражага қўйиш ҳисобланади. Чунки, ўзига бўлган ишончи суст, журъатсиз, ўзини камчилигини сезадиган, хаёлпарат, ўзгалар олдида кулгили бўлиб кўринишдан қўрқадиган, ҳар қандай танқидга таъсиран бўлишади.

Тортинчоқлик хисси уларга қаттиқ таъсири қилиши оқибатида, улар ўзларини идора қила олмай, хатти-ҳаракатида табиийлик йўқолади, мимика ва овоз товушларида ҳам ўзгариш пайдо бўлади.

Тортинчоқлик таъсирида бўлган болаларда хавотирланишни келтириб чиқарувчи учта омилни кўришимиз мумкин:

1. Ўзининг ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракатлари орқали бола атрофдагиларга «Мен тортинчоқман» каби ҳолатида сигнал беради;
2. Физиологик жиҳатдан пайдо бўладиган аломатлар, яъни хавотирланиш ва қизариш ҳолати;
3. Ўзини ноқулай ҳис қилиши ва уялиш ҳолатлари;

а) Тортинчоқликдан дарак берувчи болаларнинг характеристидаги асосий белгилари: мулоқотга киришишга ҳохиш йўқлиги ва суҳбатдошнинг кўзларига қарай олмаслик, ўз овоз товушининг ўзига ёқимсизлиги, ўзини атрофдагилардан тортиш, ташаббус қўрсатмаслик. Бундай хатти-ҳаракатлар ҳамма болаларга зарур бўлган, жамият билан алоқа ва ўзаро мулоқотни ўрнатишида қийинлашади.

Тортинчоқ болалар ҳар сафар ўзларини намоён қила олмасликлари оқибатида, ўзларининг ички дунёсини яратишга мойил бўлади. Буларнинг ҳаммаси эса болани мавхумликка олиб келади. Мавхумлик бу - туртки бўлмагунча гапиришга ҳохишнинг йўқлиги, гаплашмаслик мойиллиги устун келиши, мустақил, эркин фикр билдира олмасликдир. Аммо мавхумлик - нафақат мулоқотдан қочиши, балки умумий бўлган ва чукур муаммодир. Бу муаммо мулоқотчанлик малакаларининг йўқлиги бўлибгина қолмай, балки шахслараро мулоқотчанлик тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлишидир. Мавхум боланинг хатти-ҳаракатларида ишончсизлик намоён бўлади.

б) Жисмоний ташқи аломатлар кўринишида, кичик мактаб ёшидаги тортинчоқ болалар қўйидаги ҳолатларни ҳис қиласи; пульси тезлашади,

юракнинг қаттиқ уриши, терлаш ҳолати, қорин қисмларида оғриқни ҳис қилади. Бироқ бундай таъсирланишлар, биз кучли ҳиссиётларни бошдан кечирганимизда руй беради.

Тортинчоқлик ҳиссини бошдан кечираётган бола юз қисмининг қизариб кетиши ташқи аломатнинг ilk белгисидир. Тортинчоқликни ҳис қилмайдиган болалар бундай ҳолатларни енгил қабул қилади, аммо тортинчоқ болалар айнан ўзида содир бўлаётган физиологик ҳолатига кўпроқ диққатини қаратади.

в) Тортинчоқ боланинг энг диққатга сазовор хусусияти - ўзини ноқулай ҳис қилиши. Ноқулайлик - бу ўзининг ички ҳолатидан қайғуриш оқибатидаги ташқи кўринишдир. Ноқулайлик ҳисси жамоа орасида ва ўзи ёлғиз қолган пайтда ҳам намоён бўлиши мумкин. Баъзида ноқулайлик ва хижолат чекишининг ўзи ҳам тортинчоқликни келтириб чиқаради. Улар бундай ҳолатларни фақат салбий томонларини ўйлаб, узоқ вақт сиқилиб юришади.

Болаларга нотаниш инсонлар билан танишиш ва муносабат ўрнатишга, ўз ҳақ-хукуқларини, ўз шахсий фикр мулоҳазаларини гапиришга, болани одамови бўлиб шаклланишига, ортиқча ўз ҳаракатларидан ташвишланишга тортинчоқликнинг ҳам таъсири катта.<sup>2</sup>

Тортинчоқлик келиб чиқишининг асосий омилларидан бири, боланинг ўз-ўзига қандай баҳо беришига ҳам боғлиқ. Ўз-ўзига баҳо бериш - авваломбор, дастлабки вазифани бажаради. Мактаб ўқувчисининг ўқув фаолиятининг самараси яхши ўзлаштирилган билимлар ва ақлий фаолият яхши бўлиши эмас, балки ўз-ўзини баҳолаш даражасига ҳам боғлиқдир.

Бола эҳтиёжи учун керак бўлган ижобий баҳонинг баландлиги турлича бўлиши мумкин. Кимгadir унинг иши бошқаларнидан ёмон эмас дейилганда, бу уларни bemalol қаноатлантиради. Бошқалар одатий баҳодан кўра баландроқ баҳога талабгор бўладилар. Учинчилар эса, бошқа барчадан ҳам кўра баландроқ баҳога талабгор бўладилар.

Кичик мактаб ёшида болаларни ўз-ўзига баҳо бериш асосан ўқитувчининг баҳолари таъсири остида шаклланади. Бунда болалар, ўзларининг интеллектуал имкониятлари ва бошқалар уларга қандай баҳо

2. Ж. Ледлофф «Как вырастить ребёнка счастливым» Москва - 2003 й

беришига алоҳида аҳамият берадилар. Ижобий баҳони барча тан олиши болалар учун муҳимдир. Шунинг учун психолог ва педагог унинг шаклланишини қузатиб, турли хил методикалар ёрдамида мактаб ўқувчисининг ўз-ўзига баҳо бериш даражасини кузатиб бориши лозим.

Кўпгина тортинчоқ болаларга ўз ҳохишларини амалга оширишга, ўз қобилиятларини намоён қилишга тортинчоқлик ҳалақит беради. Лекин шундай болалар борки, уларни тортинчоқлик безовта қилмайди, аксинча бу ҳолат уларга маъқул келади.

Биринчи кўринишга тортинчоқлик болаларга фақат салбий таъсирларни кўрсатади. Бироқ янайм изланишлар оқибатида шу нарса маълум бўлдики, унинг ижобий томонларини ҳам қўриш мумкин экан.

«Оғир вазмин», «Жиддий», «Камсуқум», «Камтар» - каби ижобий баҳолар одатда тортинчоқ болаларга қараб берилади. Тортинчоқ болаларни ташқи томондан кузатганда, гапини ўйлаб гапирадиган, камгап, ўз хатти-харакатларини назорат қиласидиган, озода болалар каби ижобий таъсурот қолдиришади.

Кичик мактаб ёшидаги тортинчоқ болалар бирорларни хафа қилиша олмайди. Унинг яна ижобий томони шундаки, тенгкўрлари билан муносабатда бўлаётганда уларни яхши-ёмонини фарқлай олиб, энг асосийси низоли вазиятларда улар ўзларини четга олишади, доим ўзлари билан банд бўлиб, хеч кимга заарлари тегмайди.

Ўқув фаолиятида эришилган ютуқлар ва шахснинг ривожланиши ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Буни шундай тушунтириш мумкинки, унда, бола эришган ҳамда у бажаришга интилаётган нарсалар, яъни унинг келажагининг кўринишидир.

Тортинчоқ болаларга ёрдам беришда аввало ота-оналар ўзларининг ҳулқ-атворларига эътибор беришлари лозим. Турли хил вазиятларда болага ишонган ҳолда у ёки бу вазифани мустақил бажаришга имкон яратиш керак. Арзимаган ҳодисалардан жанжал кўтариб, яқин қариндош ёки атрофдаги дўстлари орасида болага кўп таңбех бериш, болага катталар томонидан ортиқча талабчан бўлиш ва ўз айтганини қайсарлик билан қиласиди, бу фақатгина болани ўз-ўзига ишончининг сусайишига ва мустақил бўлишига тўсқинлик қиласиди.

Ҳар доим ҳам болага бошқа болаларни таққослаб, “тартибли бола”, “сендан кўра ақлли” мазмунидаги сўзларни айтиш доимий ҳолатга айланиб

қолса сиз ва фарзандингиз ўртасида яқинлик, илиқ муносабат узоқлашиб боради.

Болалар билан тўғри мулоқот кўнилмаларини шакллантиришда, болаларда атрофдаги одамларга нисбатан қизиқишни уйғотиш, катталар, яъни ота-онаси билан биргалиқда ўқитувчи ва тарбиячилари ҳам боланинг мулоқотига киришувчанлигини ривожлантириш учун ҳамкорликда харакат қилишлари айни муддао бўлади.

Ёшлилар бизнинг эртанги қунимиз, шу боис ҳам, биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлод қандай тарбия топишига, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз ва биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий- аҳлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.

